



9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗМОҚДА

Шундай тадбирлардан бири партия марказий кенгаши, олий мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Самарқанд вилоят кенгаши ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

Тадбир ташкилотчилари дастлаб Самарқанд шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларнинг хонадонларида бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашилди, совғалар топширишди. Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Шундан сўнг нурунийлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

— Мамлакатимизда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёзозлаш, ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб ке-

лимоқда, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов. — 2015 йилнинг «Кексаларни ёзозлаш йили» деб эълон қилиниши ана шундай амалий ва хайрли ишларнинг мантикий давоми бўлди. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон қалбида меҳроқибат, инсонийлик туйғуларини янада кучайтирди.

► Давоми 2-бетда.



ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Улар Ўзбекистон учун жангга кирганди

■ Агарки вақтида, тарих ва келажакнинг ўзи талаб этган ҳал қилувчи паллаларда ғалаба учун жон берган юртдошларимизни эсламасак, улардан тирик қолганларини эса, ёзозлаб, бошимизга кўтармасак, бу ғалаба ҳақиқий ғалаба, бу байрам ҳақиқий байрам бўлмайди. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш кuni сифатида нишонлаб келмоқдамиз.

Ислом Каримов

Президентимизнинг «Хотира ва қадрлаш кuni» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган Фармойишда «Хотира ва қадрлаш кuni»ни, шунингдек, 1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигини байрам қилиш, уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларига ғамхўрлик ва эътиборни янада ошириш, уларнинг уруш йилларида кўрсатган матонати, бардоши ва қаҳрамонликларини кенг тарғиб қилишга бағишланган тадбирларни юксак ташкилий даражада ўтказиш белгилаб қўйилган. Айниқса «Жасорат,

бурч, матонат» деб номланган тадбирлар дастурининг тузилгани, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлик гоёси асосида сафарбар этилгани умумхалқ байрамимиз руҳини кўтариб юборди.

Фармойишда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида уруш ва меҳнат фахрийларининг ғалаба учун қилган қаҳрамонликларини кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасига бағишланган давра суҳбатларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

3

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳокимияти барча идораларининг аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаси — меҳнатга лаёқатли одамларни ишга жойлаштириш, аввало, ёшлар бандлигини таъминлашдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

■ Ҳаётимизда маҳалланинг ўрни, аҳамияти беқиёс. Одамлар орасида ўзаро меҳроқибат мустаҳкамланиши, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлиш, ҳар бир ишни ён-атрофдагилар билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда режалаштириш каби эзгу қадриятлар дастлаб маҳаллада шаклланади.

Маҳалла ҳаётига чуқур кириб боришимиз

ва одамларнинг фикр-мулоҳазаларини кўпроқ тинглашимиз керак

Айниқса, гап аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласида кетганда, бу ноёб тузилманинг аҳамияти беқиёс эканлиги ойдинлашади. Кимгадир ёрдам қўлини чўзиш, кимнингдир оғирини енгил қилиш ёки кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, буларнинг барчаси бево-сита маҳалла иштироки, кўмаги билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан 2009 йилдан буён қатор амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси шулар жумласидан.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ташкилотлари ташаббуси билан

ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан «Ёш ғайрат» маҳалласида учрашув ўтказди. Тўқин дастурхон ёзилиб, пиру бадавлат кишиларга эҳтиром кўрсатилди. Дилтортар наво ва ажойиб куй-қўшиқлар иштирокчиларга хушайфият бахш этди. Уруш қатнашчилари ва фахрийларга совғалар топширилди.

— Халқимиз кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, — дейди 93 ёшли уруш қатнашчиси Мирзо Умаров. — Оловли йилларнинг суронлари ҳали кўз олдимдан кетмайди. 1941 йилнинг августидан урушга кетган бўлсам, 1943 йилги Москва остоналарида бўлган жангларда оғир жароҳат

билан уйга қайтдим. Уруш қурбонларини, вайронгарчиликларни кўп кўрдим. Тинчлик — улғунеъмат. Дориломон кунларга етказганига шукр қилиб, 10 нафар фарзанд, 70 га яқин набиралар қуршовида кексалик гаштини суряпман.

— Маҳалламизда 3 минг 500 нафардан ортик

киши истиқомат қилади, — деди «Ёш ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Урол Шерхонов. — Ёши улғу кишилар ҳаммаша ёзозимизда. Маҳалламиздаги бирон бир тадбир уларнинг маслаҳатисиз, иштирокисиз ўтмайди. Кексаларни ёзозлаш йили муносабати билан уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратиш, соғликларини мустаҳкамлашга эътиборни қайтардик.

— Эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди 96 ёшли Чори Яхшиев. — Биз уруш азобларини кўрдик, сизлар кўрманглар илоҳим. Тинч ва оёсайишта кунларга етказганига шукр дейман. Юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўқин, кўнглимиз хотиржам. Илоҳим, шу кунларга кўз тегмасин.

Бундай хайрли тадбирлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилляпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Музаффар ТУРОПОВ

Эътироф


Кекса авлод вакиллари ғамхўрлик кўрсатилиши ўзбек жамиятининг маънавияти ва юксак маданиятидан далолат беради. Қабул қилинган Давлат дастури доирасида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ёши улғу инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш кучайтирилиши диққатга сазовордир.

Эммануэль Дрюлю,
Европада прогнозлаш ва
хавфсизлик институти
президенти.

Янги иш ўринлари

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 141 мингдан ортик янги иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 88 мингдан зиёд (умумий миқдорнинг 62,6 фоизи) янги иш ўрни яратилди. Янги ташкил этилган иш ўринларининг 28,6 мингдан зиёди мақсадли дастурларни амалга ошириш, 27,2 минг иш ўрни тижорат банклари томонидан кичик корхона ва микрофирмаларни кредитлаш, 21,1 минг иш ўрни яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 35,7 минг иш ўрни касаначиликни ташкил этиш ва 28,5 минг иш ўрни фермерлик ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Ёши улғу кишиларни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — бурчимиз



■ Халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари депутатлик сўрови институтидан қандай фойдаланяпти?

Бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, авваламбор ўз ота-онаси, болалари, сеvimли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган.

■ ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

УЛАР ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЖАНГГА КИРГАНДИ

■ 9 май. Бу кун бугунга келиб, дунёда ҳар хил қарашларни уйғотиб, турлича нишонланмоқда. Ўзбекистонда эса бу кун — ўтганларни хотирлаш ва тирикларни қадрлаш кuni. Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига ҳам кўп кулфатларни солди. Минглаб oilалар, оталар-оналар фарзандларига нон тишлатиб, «ой бориб, омон қайтинглар», деб дуо қилиб қолишган эди. Афсуски, улардан кўплари қайтмади.

Улар жон бердилар, аммо Ватанини бермадилар.

Бизларни мана шундай мустақил, бахтиёр кунларда яшасин, деб.

Президентимиз Ислom Каримов 9 май кунининг маъно-мазмуни ҳақида сўзлаб, «Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юрдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади», деган эди.

Ҳа. Ўзбекининг фашизмдан жабр кўрмаган бирорта маҳалла, қишлоқ, oilаси қолмаган эди. Агар Ўзбекистон ҳаритасини ёйиб, урушдан жабр кўрган қишлоқ, маҳалла, oilаларни жароҳат рангига бўяб чиқилса, бутун мамлакат жароҳат рангига кирса ажаб эмас.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда нихоятда савобли, тарихий бир иш қилинди. Собик Иттифокда одатий бўлиб келган «номаълум солдат», деган иборага чек қўйилди. Архивлардан иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг ҳужжатлари кўтарилди. Улар асосида улкан, зарҳал «Хотира китоби» яратилди. Бу бизларни деб жонидан кечган ота-боболаримизнинг руҳларини шод этиб, авлодларнинг аждодларга меҳр-оқибат дostonи бўлиб қолиди.

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги шароитда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг маънумоҳияти ҳақида бири бирига зид фикрлар айтилмоқда. Баъзи мамлакатларда босқинчилар ҳалоскор, ҳалоскорлар босқинчи деб аталмоқда. Ана шундай вазиятда

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Нурум Сиддиқов, Узоқ Ўтаев ва бошқалар шулар жумласидандир. Демак, Брест қалъаси деворида ҳозир ҳам сақланиб турган «Улаяман, лекин таслим бўлмайман. Ал-видо Ватаним!», деган ёзувда ҳамюртларимизнинг ҳам қони бор.

Ана шу видео хатини ёзаётганда Ўзбекининг Дониёр, Бобоҳалил, Аҳмад, Нурум, Узоқ ва бошқа йигитларининг кўз олдида қайси Ватан турар эди? Албатта, Ўзбекистон. Уларнинг киндик қонлари томган жаннатмакон води-ю воҳалар, қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент, Амударё, Сирдарё, боғу-роғлар, тоғудаштлар — Ўзбекистон уларнинг кўз олдида турганлиги шубҳасиз.

Фронтда ҳалок бўлган 500 минг ва фронт ортида жасорат кўрсатган Ватанимиз ҳимоячиларининг ҳар бири ҳақида биттадан китоб ёзса ҳам камлик қилади.

Волгоград шахри атрофида «Шарқнинг 11 қаҳрамони» деган тепалик бор. Урушга-ча бу жой Перелазовск хутори деб аталган. Номининг ўзгаришига бизнинг боболаримизнинг қаҳрамонлиги сабаб бўлган. Ушанда 128-гвардия Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси душманга қашатқич зарбалари билан машҳур бўлган. Юртдошимиз, взвод командири, кичик лейтенант М.Кабиrowга Перелазовск хуторини эгаллаб, қўлдан бермай, ушлаб туриш вазифаси топширилади. 40 жангчи тўрт томони душманга очик даладан эмаклаб ўтиб, шафқатсиз жанг ва йўқотишлардан сўнг тепаликни эгаллашади.

Ушанда тирик қолган 11 кишининг 9 нафари ўзбек, 1 нафари қозоқ ва 1 нафари татар эди. Улар душмanning 300 та солдатига қарши жанг қилиб, тепаликни 12 кун қўлда ушлаб туришади. Душман



чекинади. Катта жангнинг тақдирини ҳал қилган бу ҳаёт-мамонт жангида 11 кишидан фақат А. Эрдонов билан М.Кабиrowгина тирик қолади. Перелазовск қишлоғининг «Шарқнинг 11 қаҳрамони» деб аталишининг сабаби шунда, дейдилар.

Иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган юртларда ўзбекистонлик жангчилар номи билан аталадиган жойлар кўп. Улардан бири — Шукровка, фарғоналик Аҳмаджон Шукуров Курск атрофида душмanning 110 та солдат ва офицерини қириб ташлаб, 15 тасини асирга туширади. У жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлади. Золотарева қишлоғи Аҳмаджоннинг жасорати ҳурматиға Шукуровка деб аталади. Ҳозир ҳам.

Партизан отрядининг разведкачиси Мамадали Топиб-олдиевни ҳар бир белорус-сикал чқур ҳурмат билан эслайди. У шахсан ўзи душмanning 67 та солдат ва офицерини йўқ қилиб, 180 тасини асирга туширган эди. Ўзбек халқининг баҳодир ўғлини белорус халқининг ҳалоскорлари тимсолларидан бирига айланади. Писарево қишлоғини унинг шарафига Топиболдиевка деб аталашди бунинг яққол мисолидир.

Омон Умаров Смоленск, Киев, Одесса, Севастополь ва бошқа шаҳарларда жанг қилди. У фашистларнинг 3 та автомашинасини, 9 немисни гумдон қилди. Ўзининг кичик отряди билан Одесса яқинидаги душман аэродромига ҳужум қилиб, душмanning 16 самолётини, 30 та автомашинасини ишдан чиқарди.

353-тоғ-ўқчи полки жанг-чиси Қўқор Турдиев 1941 йилнинг 25 октябрь кuni қуролдошлари билан разведкага чиқади. Кучли отишмадан сўнг ҳамма сафдошлари ҳалок бўлади. Қўқор Турдиев яқка ўзи қолади. Бироқ у тенгсиз жангчи бўлиб жасоратлари тан олинди, унга қаҳрамон унвони берилди.

Ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг жасуриги, азму қатъийлиги, иродачилиги ва мохир мерганлиги билан ҳам шухрат қозонган эдилар. Бу Москва остонасидаги қиргин-барот жангларда яққол намоён бўлди. Ўзбекининг снайпер-и Исҳоқов 354, Абубеков — 229, Юсупов — 132, Мадамани эса — 123 та фашистни ер тишлатди. Бу жасорат Иккинчи жаҳон уруши фронтларида худди афсонадек взводдан взводга ўтиб, тилдан-тилга қўчиб юрар эди. Шу боис 1753 нафар юртдошимиз «Москва химояси учун» медали билан мукофотланган.

Ўзбекининг жасур қизлари йигитлардан кам эмаслигини кўрсатганлар. Уруш бошланганда институтда ўқитган андижонлик Зебо Фаниева «Мени фронтга юборишингизни сўрайман», деб ариза беради. У тезда тажрибали разведкачи ва снайпер бўлиб етишади. Москвани химоя қилди. Снайпер Зебо Фаниева биргина 1942 йилнинг 21 мартда 23 та фашистни ер тишлатади.

Сталинград жангида офицер Мамаасло Джаббаров командирлигидаги мото-ўқчи

рота душмanning 400 солдат ва офицерини йўқ қилиб, 230 фашистни асирга олиб, қўллаб қурол-яроғни қўлга киритади. Снайпер Хайит Хўжаматов эса ўз милтиги билан 117 фашистни, пулемёти билан эса душмanning 300 дан зиёд солдат-офицерини қириб ташлайди. Бироқ, ўша талотўм кунларда уларнинг жасоратлари муносиб тақдирланмай қолган. Бу ҳам дилни ранжитадиган бир ҳолат албатта.

Ўзбек йигитлари Европани фашизмдан қутқаришда жасорат кўрсатдилар. Масалан, Франциянинг Алле, Бельфор, Сен-Шели каби департаментларини озод қилишда самарқандлик Абдулла Раҳматов, булунғурлик Сарибой Шомуродов, тошкентлик Раҳмон Раҳимов, Насиб Амиров ва бошқалар жасорат кўрсатдилар. Францияни озод қилишда кўрсатган қаҳрамонликлари учун қўқонлик Ҳошимжон Исмоилов ва тошкентлик Тожибой Зиёевлар Франциянинг «Жанна д'Арк» ордени билан мукофотландилар. Андижонлик Турғун Қўқоров, Аҳмад Мамажоновлар Италиянинг Карраро шахрини озод қилишда жанг қилдилар.

Фронтда ҳалок бўлган 500 минг ва фронт ортида жасорат кўрсатган минг-минглаб ҳамюртларимизнинг ҳар бири ҳақида биттадан китоб ёзса ҳам камлик қилади.

Шундай экан, уларни хотирлаш, жасоратларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мухаммаджон ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори.



Зилзила оқибати

ҳамма вақт аянчли бўлган

Дарҳақиқат, зилзила табиий офатлар ичида энг даҳшатлисидир. Унинг оқибатлари ўта аянчлилиги билан қалбларни қўқувга солади. Бироқ унда ҳам мўъжизалар рўй бериши кишини ҳайрон қолдиради.

Ҳап шундаки, Непалда бир неча кун аввал рўй берган зилзиладан барчамизнинг хабаримиз бор. Бу вайронкор табиий офат оқибатида қурбон бўлганлар сони 7200 кишидан ошиб кетди. Жароҳат олганлар эса бу рақамдан бир неча баробар ортади.



Қутқарув ишлари давом этмоқда. Лекин вайроналар остида қолганлар энди тирик бўлишига умид чироғи сўна бошлаган эди. Буни қарангки, мўъжиза туфайлими, 8 кундан кейин ҳам вайроналар остидан тириклар топилиди. Яъни яқшанба кuni тўрт киши қутқарилди. Энг ажабланирлиси, тирик топилганларнинг икки нафари кесалар бўлиб, бири 101 ёш, иккинчиси эса 105 ёшда экан.

Дарвоқе, мазкур кучли зилзила оқибатида ҳатто дунё томи, дея эътироф этиладиган Эверест чўққиси бир неча сантиметрга пасайгани ҳақида гап-сўзлар тарқалмоқда. Бунинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини эса кейинги тадқиқотлар кўрсатади.

Яна бир гап. Мамлакат пойтахтидаги аэропорт инсонпарварлик юклари ортлган улкан самолётларни қабул қила олмаётти. Чунки аэропортнинг учуш-қўниш йўлагига ҳам шикаст етган.

Дангасалик

жавобгарликка сабаб бўлади

Санкт-петербурглик депутатлар дангасалик учун жавобгарлик масаласи қонунчиликка киритилишини тақлиф қилмоқдалар. Яъни кимки 6 ой давомида бирор-бир ишнинг бошини тутмай, дангасалик қилиб юрарсас, бир йилгача бўлган муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилишини қонунчиликка киритиш тақлифи билан чиқдилар. Ҳатто Россия Федерацияси Конституциясининг 37-моддасига ўзгартишлар киритиб, «Меҳнат фуқаро учун қатъий мажбурият» эканлигини белгилловчи модда киритилиши зарурлиги баён этилди.



Депутат Андрей Анохиннинг айтишича, дейилади «Мир новостей» хафталиги ахборотида, давлат мамлакат фуқароларининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида эҳтиёжга қараб керакли мутахассисликлар бўйича иш ўринлари яратиши лозим. Фуқароларда меҳнатга нисбатан ҳурмат ҳиссини қучайтириш бугунги кун талабидир.

Албатта бу қонун лойиҳаси Санкт-Петербург депутатлари томонидан қайта қўриб чиқилиши ва ундан кейин Россия Федерацияси давлат думаси эътиборига ҳавола этилиши лозим.

■ РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

2015 йил 26, 28 май ва 2, 4 июнь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади

Очик аукционга Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Таъки иқтисодий фаолият миллий банкнинг қўйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари тақрорий равишда қўйилмоқда:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«URG TEX» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шахри, Санатчилар кўчаси, 7/3	Ип-калава ишлаб чиқариш	8 084 080 000	3 442 934,90
2.	«Coinot and C» МЧЖ	Тошкент шахри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-«Б» уй	Умумий овқатланиш	361 513 000	150 075,50

Очик аукцион шартлари. Аукцион қолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотида шартнома-сида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг

қолдигиға фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмилийбай» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мudda-ти «URG TEX» МЧЖ учун 5 (беш) йилдан ва «COINOT AND C»

МЧЖ учун 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотиладди.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча ҳужжатлар (шу жумладан, но-тариал тасдиқлаш, объектни

баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисиға тўланадиган комиссиян тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

✦ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нухаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номиға, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нухаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нухаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган

тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нухаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✦ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нухаси.

Аукционда иштирок этиш истагидиға талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «URG TEX» МЧЖдаги улуш бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида ҳамда «COINOT AND C» МЧЖдаги улуш бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш эълон чиққан кунда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилиға бориб таъиниш мумкин.

Очик аукцион белгиланган кунлари соат 11:00 да бошланади ва Тошкент шахри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзилар ва алоқа воситалари: **Сотувчи (Банк):** Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон (0-371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс: (08-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шахри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (0-371) 233-02-49; телефакс: (0-371) 233-23-40; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357



■ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИ-ХАЛАР БЎЙИЧА 12 МИНГТА ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ ЗАРУР МУҲАНДИС-ЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҚЎРИЛМОҚДА.



■ 2015 ЙИЛДАН БОШЛАБ 146 ТА ЯНГИ КОРХОНА ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИЛДИ, 102 ТА ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

ЯХШИЛАРНИНГ МЕҲРИ УНУТИЛМАЙДИ...

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, бағрикенг инсон Мавлон Муҳаммадиевнинг умр дафтаридagi ўчмас битиклар

■ Кўрғонтоғ. Тахтиқорача домини пойидаги кичкина қишлоқ. Баҳорнинг ўртаси. Лой йўлдан аравага қўшилган от зўриқиб борапти. Жилловни тортқилаб, одимлаётган болакай эса ундан-да ҳорғин. Шу тобда яғрини ялтираган учқур от минган шоп мўйлов ранс етиб келади ва болани аямай қамчилади. Оғрик жонидан ўтса-да, бола йиғламайди. Кўзлари толиб кетгунча узоқларга, тоғ чўққиларига тикилади. Кўз қорачиқларида қатъият чақнайди.

Дерларки одамни алам йиғлатади,
Ёлғизлик, етимлик ва ғам йиғлатади.
Алам-у дамларни гуноҳкор этманг

Аслида одамни одам йиғлатади...

Ушбу сатрларни Мавлон Муҳаммадиевнинг ён дафтарасидан келтирилган. 1966 йилнинг 22 мартда бутунги «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган мазкур шеър шоир Хайдар Муҳаммадиевга тегишли бўлиб, ўша кунгидека қаҳрамонимиз уни ён дафтарасига қўчириб олган. «Етимлик» сўзининг остига эса қуюқ чизик тортилган. Бу чизикни мен унинг машаққатли, захматли, сабр-тоқатли умр йўлига ўхшатдим. Шу ҳақида ўйлаб, тоғ пойидаги қишлоққа келдим. Ён дафтар эгаси Мавлон Муҳаммадиев ана шу ўриш қишлоғида тутилган. Излаганим — Ёри ота Остоннинг уйини адашганим тоғим. Қирқ тўрт йил қишлоқ мактабиди тарих фанидан дарс берган, 22 йил директор бўлган, ҳозир роса саксонда. У рафиқаси Ойсара она билан уч ўғил ва уч қизни улғайтирди.

— Ҳаётда нимага эришган бўлсам, Мавлон Муҳаммадиев туфайли эришдим, — дейди отахон. — У киши 1926 йил шу қишлоқда тутилган. Отаси Ражаббой ака оламдан ўтган, онаси Истам опа ўғлини акаси Носир Муҳаммадиев тарбиясига беради. Мавлон етти йиллик мактабни битиргач, далада ишлайди. 1944 йил урушга жўнаб кетади. У ёш боши билан қаттол уруш қирғинлари билан юзма-юз келади. Қўрқдан узоқда етти йил хизмат қилади. Эллигинчи йилда қишлоққа қайтади. Шундан сўнг Кўпайсин опамга уйланган, Носир бобо қурби етгунча тўй қилиб берган. Ушундан отам қазо қилган, оиламиз боқувчисини йўқотган эди. Бу инсон бизга ота бўлди. У киши нафақат бизга, балки қишлоқдаги бошқа ночор оилаларга ҳам ёрдам қилиб ўтди, ёшлар ўқиши учун ғамхўрлик қилди...

Инсон умри дарахтга ўхшайди. Кўкаради, ўсади... Мавлон Муҳаммадиев киндик қони томган қишлоқни кезаман. Кўз олдиди келтирмаган: эллигинчи йилда қишлоғига қайтган Мавлон бир вақтлар раисдан ҳаётат эшитган ўспирин эмасди. Улим билан юзма-

«Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганида отам шу қадар севингандиларки, буни сўз билан ифода қилолмайман».

киши бизни ҳалол яшашга, меҳнатсеварликка, оила шаънини ҳимоя қилишга ўргатганлар. Мен бобом билан фахрланаман...

Мавлон Муҳаммадиев салкам йигирма йил давомида Шахрисабз туманида масъул лавозимларда ишлади. Бахтиёр Муҳаммадиев кўлимга тутқазган отасининг ён дафтари мен учун ҳақиқий ҳазина, ноб топила эди. У бир минг тўққиз юзи олтимиш бешинчи йилда тутилган бўлиб варақларига турли воқеалар, кузатишлар қайд этилган. Масалан, иккинчи варағига «Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, юз ҳам, кийим ҳам, кўнгил ҳам», деган фикр ёзиб қўйилган. Яна бир варақда: «Область ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Соиб Усмонов кенг экранли кинотеатр қурилишини назоратта олишни менга топширди», деган қайдга кўзим тушди. Дарров эсладим. Шахрисабз марказида қурилган бу кинотеатрдан бир неча авлод баҳраманд бўлди. Ён дафтардаги: «Чигитни ўрага солмасдан нашлаш», «Пахта гули эрталаб оқ бўлади», деган ёзувлар бугун тарихга айланди.

— Жуда хайрли ишга бел боғлабсиз, — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Боки Эргашев. — Мавлон Муҳаммадиев билан Шахрисабзда бирга ишлаганимиз. Маданият, тиббиёт, таълим ишлари зиммамда эди. Машаққатли йиллар воқеалари ҳеч эсимдан чиқмайди. Мавлон ака қишлоқ ҳўжалиги, қурилишлари бошчилиги қиларди. Шахрисабзда қанчадан-қанча боғлар барпо қилинди. Каналлар қазилди. Ўй-жойлар, мактаблар қурилди. Ана, Шавкан қишлоғи қурилишига ҳам ўзи бош бўлган. Меҳрибон, бағрикенг, ўзини аямайдиган инсон эди. Ҳалол ва истеъдодли кишиларни қадрларди, ҳимоя қиларди. Асаларичилик совхозини тузган Абдунаби Ҳасанов, туман ҳокимининг ўринбосари бўлган Бозор Эшдавлатов, паррандачилик ҳўжалигига асос солган Шониев Боборажабов ва ўнлаб талантли раҳбарлар Мавлон аканинг қўмағидан баҳраманд бўлишган. Уларни ноҳақ тухматлардан ҳимоя қилган. У қурдирган каналлардан ҳамон сув оқяпти, пишк, қўрқам уйларда бир неча авлод камолга етмоқда. Бундай инсонларнинг хотираси қалбларимизда бир умр сақланади...

Шу ўринда ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошидаги бир воқеани эсладим. Ушунда Шахрисабз туманида паррандачилик ҳўжалиги тузилади ва унга олим-зоотехник Шониев Боборажабов директор этиб тайинланади. Лекин у бошлаган ишларнинг қимматлариди ёқмайди. Туман раҳбарларидан бири уни йўқ қилиш пайига тушиб қолади. Ана шундай



оғир вазиятда Мавлон Муҳаммадиев ўжар, аммо истеъдодли ҳўжалик раҳбарини дадил ҳимоя қилади.

— Асли сув ҳўжалиги бўйича муҳандисман, — дейди Қўтчи қишлоғида биринчи гуруҳ ноирони Фузор Маматов. — Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида Муборак туманидаги «Шахрисабз» массивида канал қазганимиз. Бир кун тунда хабар келди. «Зарбулоқ» канали қирғоғини сув уриб кетибди. Роса ваҳима кўтарилди. Мен эса кечаси билан ҳеч қимга айтмай, каналнинг ўпирилган қисмига тупроқ сурдирдим. Ҳаво совуқ бўлишига қарамайдан сувга тушишимга тўғри келди. Тонга бориб ишни тугатдик. Шу пайт Мавлон Муҳаммадиев ёрдамчи техникалар билан етиб келди. У дарров мени сувдан чиқарди ва устидаги янги пальто билан мени ўради. Фузор, бу ишлар одамдан азиз эмас, ўзингчи асра, укажон, деганлариди кўзимдан ёш чиқиб кетган...

Фузор отанинг мулоҳазалари қаҳрамонимизнинг ён дафтарига мос эди. Ундан ўқийман: «1972 йил 15 апрель. Каттик жала. Мироқи атрофидаги ерларни сел ювиб кетди. 5 майда Оқсув ва Танхоз дарёлари тошди...» Дарҳақиқат, Шахрисабзнинг бу икки дарёси ўжар ва саркаш. Айниқса, юксак тоғлар бағридаги Филон, Нондек, Ҳисорак, Оммагон каби қишлоқларнинг сел ювиб кетган йўлларини тиклаш, қиш даврида аҳолига етарли озик-овқат маҳсулотларини етказишнинг зиммасида эди. Шу туфайли Мавлон Муҳаммадиев ҳафалаб ўша тоғ қишлоқларида қолиб кетар, табиий офатни бартараф этиш учун одамлар билан елкама-елка ишларди.

Қайтишда ҳамроҳларим билан Шавкан қишлоғига қўниб ўтдик. Қўш

қаватли болалар боғчаси, мактаб, ўнлаб икки қаватли уйлар қурилиши бошида ҳам мана шу бунёдкор, фидойи инсон турган.

Шахрисабздан Китош шаҳрига қайтдик. Ўнлаб кишилар билан учрашдик, боғлар, каналлар, сув омбори қандай қурилгани билан танишдик. Али Қўшчи маҳалласига, Оқсув дарёси соҳилидаги ҳўлига етиб келдик. Шўхратжон бобосидан қолган эски иморат ўрнига янгисини қуришни бошлабди. Фақат дарвозахонага тақаб қурилган даҳлизли катта хона аслидай. Ҳаяжон билан ичкарига қадам қўяман. Ахир, номи, ишлари, яхшиликлари одамлар тилидан тушмаётган азиз бир инсон шу уйда яшаб ўтган. Деворнинг чап томонида кўкси ордан ва медалларга тўла Мавлон Муҳаммадиевнинг сурати илинган. У киши 1994 йилда Президентимиз фармони билан «Шўхрат» медалига сазовор бўлган. Ўй тўридаги жавон китобларга тўла. Уч-тўрт минг жилдан кам эмас. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Алишер Навоий асарларининг ўнлаб жилди, тарих, қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалигига оид китоблар териб қўйилган. Президентимизнинг асарлари, газета ва журналлар, қонунлар алоҳида сақланган. Мана, маърифатпарвар, бунёдкор инсоннинг дорилфунуни, маънавий хазинаси.

— Отам ҳаётининг охириги йилларида йўл қурилиш бошқармасига раҳбарлик қилди, — дейди Бахтиёр Муҳаммадиев. — Пенсияга чиққач, бир муддат Китош туман нуронийларида бош бўлди. Дўстлари, қишлоқдошлари йўқлаб келишар, ўзлари ҳам муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб турарди. Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганида отам шу қадар севингандиларки, буни сўз билан ифода қилолмайман. «Бошимизга бахт қўши қўнди...» деган эдилар. Отам сўнгги нафасларига «Ҳалол яшанглар, оқибатли бўлинглар», деб насиҳат қилдилар...

Мавлон отанинг сўнгги кўнларини хотирлаётганимизда, унга Шўхратжоннинг фарзандлари — Ҳилола, Рухона, Севинч қириб келишди. Улар мактабда ўқий билан бирга саноат мактабиди дўтор ва пианино чалишни ўрганишаркан. Қизлар девордаги катта боболари суратини кўрсатиб, ниманидир сўрай бошлашди. Мен эса қаҳрамонимизнинг ён дафтари билан варақлаганча, ташқаридан келаётган Оқсув шовурига қўлоқ тутаман. Дарёлар абадий оқаверди, яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат туйғулари ҳам мангуликка юз тутди.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

КУРАШ

Осиё чемпионатида

Шу кунларда Доха (Қатар)да эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Осиё чемпионати башлашувлари қизгин давом этапти. Унда йигирма нафар полонимиз голиблик учун гилламга чиқмоқда.

— Мазкур нуфузли мусобақада эркин кураш бўйича саккиз вазн тоифасида медаллар учун кураш боради, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Недорезов. — Биз Нодиржон Сафаров (57 кг), Жамшид Кенжаев (61 кг), Руслан Плиев (65 кг), Бекзод Абдурахмонов (70 кг), Рашид Курбонов (74 кг), Умиджон Исмаилов (86 кг), Икром Эржанов (96 кг), Дийр Аралов (125 кг) каби курашчиларга ишонч билдирганимиз.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
Табиати муҳофиза
қилиш давлат қўмитаси,
БМТ Тараққиёт Дастури ва
Глобал экологик
жамғармасининг
«Иқтисодий ўтиш
давлати (ИЎД)
мамлакатлар ҳудудида
гидрохлорфтороуглероддан
(ГХФУ) фойдаланишни
жадал қисқартиришнинг
бирламчи бажарилиши —
Ўзбекистон» қўшма
лойиҳаси
совутиш ва ҳавони кондиционерлаш соҳаларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга ошириш учун техник ёрдам олиш бўйича
ЛОЙИҲАЛАР ТАЛЛОВИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов йўналишлари:
1) Марказлашган кондиционерларнинг совутиш тизимларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича лойиҳа тақлифи (совутиш ускуналарини ишлаб чиқариш ва биноларда совутиш жиҳозларини ўрнатиш, ишлаб турган ускуналарда совутиш агентларини алмаштириш ва бошқалар);
2) Тижорат совутиш ускуналарида ҳамда маъишӣ кондиционерларда табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича тақлифи (маъмурий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бинолар);
3) Кичик ҳажмли паст ҳароратли ускуналарда ва иссиқлик насосларида табиий совутиш агентларидан фойдаланишни кўзда тутувчи муқобил ва самарали энергия технологияларини қўллаш бўйича тақлифи.

Ариза ва лойиҳа тақлифларини тақдим этиш муддати:
Танловда иштирок этишга қизиқиш билдирган барча ташкилотлар (давлат ва хусусий корхоналар) ариза ва лойиҳа тақлифларини эълон чоп этилган кундан бошлаб 2015 йил 15 май, соат 18:00га қадар тақдим этишлари мумкин. Тўлиқ тайёрланмаган, шунингдек, аризаларни тақдим этиш муддати ўтгандан сўнг топширилган лойиҳа тақлифлари танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.

Лойиҳа тақлифини тайёрлаш шаклини олиш, шунингдек, танловда иштирок этиш учун барча саволлар юзасидан қўшма лойиҳа офисига мурожаат этиш мумкин.

Лойиҳа тақлифлари босма ва электрон шаклда қўйидаги манзилга топширилиши лозим:

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 13-А уй, тел. (+998 71) 255-57-07, электрон манзил: hcfuz@mail.com

Газетанинг навбатдаги сони
10 май, яшанба кўни чиқади.

СПОРТ

Кучлилар сараланди

Чирчик Олимпия заҳиралари спорт коллежиди оғир атлетика бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионати ўтказилди.



Икки кун давом этган баҳслар якунида Руслан Макаров (56 кг), Ҳумойиддин Жабборов (62 кг), Алишер Абдуллаев (69 кг), Файзулло Набиев (77 кг), Жавлон Абдусатторов (85 кг), Шерзод Рўзметов (94 кг), Муҳаммад Юсупов (105 кг) ва Иван Ефремов (+105 кг) олтин медалларга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида эса ўз вазн тоифаларида Махлиё Тоғаева, Лола Қодирова, Марина Сисоева, Манзура Мамасолиева, Муаттар Набиева, Омадой Отақўзиеваларга тенг келадигани топилмади.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



ГАРАНТИЯ
1 ГОД



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU»
ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т



Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz,
email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» —
до 14, 18 и 22 метров



КРАМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или
«MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны



MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.


«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17976
naxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqt — 23.15

Soturda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6